

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**КОДИРОВА ШАХНОЗА ИШПУЛАТОВНА**

**КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА НАМ  
ТЎПЛОВЧИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences**

**Кодирова Шахноза Ишпулатовна**

Кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига нам тўпловчи суғориш ва ўғитлар меъёрларининг таъсири ..... 3

**Кодирова Шахноза Ишпулатовна**

Влияние нормы влагозарядкового полива и удобрений на рост и развитие озимой пшеницы..... 21

**Kodirova Shakhnoza Ishpulatovna**

Impact of norms of moisture-replenishing irrigation and fertilizers on growth and development of winter wheat..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**КОДИРОВА ШАХНОЗА ИШПУЛАТОВНА**

**КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА НАМ  
ТЎПЛОВЧИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРИ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. PhD/Qx46 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринари медицинаси институти (собик Самарқанд қишлоқ хўжалик институти) да бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мўминов Комил Мўминович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Атабаева Халима Назаровна**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Комилов Бахтиёр Султонович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: [g.selek@qsxv.uz](mailto:g.selek@qsxv.uz))

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

**Ж.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг 132 дан ортиқ давлатларида 235,8 млн. гектардан ортиқ майдонда буғдой экилиб, 2017 йилда 754,8 млн. тонна дон етиштирилган бўлса, шундан кузги юмшоқ буғдойнинг ҳиссаси жами экилган буғдойнинг 95 фоизини ташкил этади. Дунё бўйича суғориладиган ерларнинг қарийб 40 фоизи турли даражада шўрланган, 6-7 млн. гектар ер майдонлари деградация жараёнларига учраган ва ҳар йили 25 млн. гектар ер саҳроларга айланмоқда<sup>1</sup>. Дунёнинг бир қатор, жумладан, АҚШнинг ғарбий минтақаси, Жанубий Америка, Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, шимолий Африка, Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон, Кавказorti давлатларининг қурғоқчил худудларида шўрланишнинг олдини олиш муаммолари агротехник, агрокимёвий ва мелиоратив тадбирларни қўллаш орқали ўз ечимини топомқда.

Дунёда кузги юмшоқ буғдой етиштирувчи бир қатор йирик давлатларда ресурстежамкор технологияларни қўллаш эвазига тупроқ унумдорлигини ошириш, шўрланиш жараёнининг олдини олиш, шунингдек, суғориш сувлари ва минерал ўғитларни тежаш ҳисобига дон ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришилмоқда<sup>2</sup>. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда кузги юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишга, экологик муҳитнинг софлигини сақлашга қаратилган, турли тупроқ-иқлим шароитларида кузги юмшоқ буғдой етиштиришда тупроқларни шўрланишдан сақлаш ва уларнинг зарарли таъсирини камайтириш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш ва шўрланиш жараёнларининг олдини олишда мақбул нам тўпловчи суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамызда ер ресурсларини муҳофаза қилиш, суғориладиган майдонларда тупроқ шўрланиши ва сизот сувлари сатҳи кўтарилишининг олдини олиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан ҳамда минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳисобига кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат дастурлари асосида 2 млн. 45 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, фермер хўжаликларида етиштирилаётган кузги буғдой ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда<sup>3</sup>. Шу билан бирга, турли даражада шўрланган ерларда кузги буғдой етиштиришда сув ва минерал ўғитларни тежовчи, нам тўпловчи суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитларнинг самарали меъёрларини ва агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «3.3... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ва

<sup>1</sup> // [www.FAOSTat.fao.org](http://www.FAOSTat.fao.org); [www.statista.com/statistica](http://www.statista.com/statistica) 237705/global.

<sup>2</sup> <http://moluch.ru/18306/>; <http://www.icar.org.in>.

<sup>3</sup> Ш.Тешаев//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент; 2016.-№9.-Б.4.

ўғитларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада қишлоқ хўжалигида тупроқларнинг шўрланишига қарши мелиоратив, агротехник ва кимёвий кураш чораларини қўллаш бўйича бир қатор олимлар, жумладан В.Егоров, Н.Минашина, А.Нерозин, В.Еременко, Н.Беспалов, В.Легостаев, Н.Решиткина, Қ.Мирзажонов, А.Рамазанов, А.Ахмедов, А.Авлиёқулов, М.Ҳамидов, В.Насонов, Б.Мамбетназаров, Х.Якубов, С.Исаев ва бошқалар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқларида кузги юмшоқ буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар меъёрларининг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири мажмуада етарлича ўрганилмаган.

Шунинг учун, кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги юмшоқ буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғориш, маҳаллий ва минерал ўғит меъёрларининг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларига ҳамда тупроқларнинг шўрланишини камайтиришга таъсирини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01980004512 рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш»нинг алоҳида бўлими сифатида ҚХА-8-047-2012 «Суғориладиган ерларда шўрланишни олдини олиб, экинзор фитосанитар ҳолатини яхшилайдиган, кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган ресурстежамкор агротехнологиясини яратиш» (2013-2015 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида экиш олди нам тўпловчи суғоришни ўтказиш орқали қисқа муддатда тўлиқ ниҳоллар олиш ҳамда минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиб, кузги юмшоқ буғдой дон ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашни таъминлайдиган агротехник тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги, қишлашга чидамлилиги ва туп сонига ҳар хил нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар ва гўнг меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

кузги юмшоқ буғдойнинг ўсиши, пояларининг шаклланиши, барг юзаси индекси, фотосинтетик потенциали, умумий биомасса тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига турли нам тўпловчи суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитлар меъёрларининг таъсирини баҳолаш;

турли нам тўпловчи суғориш ва ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой ҳосил элементларининг биометрик кўрсаткичлари, дон ва сомон ҳосили, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари ва ўсимликнинг озика элементларини (NPK) ўзлаштиришига таъсирини ўрганиш;

кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги юмшоқ буғдой етиштиришда қўлланилган турли нам тўпловчи суғориш ва ўғитлар меъёрларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлари, кузги юмшоқ буғдойнинг «Купава» ва «Гром» навлари, ҳар хил нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар ва гўнг меъёрлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, қишлашга ва ётиб қолишга чидамлилиги, фотосинтетик фаолияти, ҳосилдорлиги, доннинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ҳамда уларнинг таҳлиллари «Методика полевых опытов с зерновыми культурами», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических исследований почв Средней Азии», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари бўйича, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқларида кузги буғдой уруғларининг униб чиқиши ва қулай ўсиши учун энг мақбул шароитни таъминловчи нам тўпловчи суғориш меъёри аниқланган;

кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлашда минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган;

кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида интенсив типдаги кузги юмшоқ буғдой навларининг мақбул ўсиши, ривожланишини таъминлайдиган, фотосинтетик фаолиятини жадаллаштирадиган минерал ўғитлар меъёрлари аниқланган;

кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда ўсимликларнинг озик моддаларни ўзлаштиришига нам тўпловчи суғориш, ўғитлар ва гўнгнинг таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тадқиқотларда Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғоришни 1200 м<sup>3</sup>/га, минерал ўғитларни N<sub>150-100</sub>P<sub>120-100</sub>K<sub>50-30</sub> кг/га+10-20 т/га гўнг меъёрларида қўллаб парваришланганда, тупроқлар

таркибидаги зарарли тузлар, куруқ қолдиқ 0,034-0,037 ва хлор 0,001-0,002% га камайиши, ўсимликлар томонидан ўзлаштирилувчи озик моддалар (нитратли азот 2,8-3,9, ҳаракатчан фосфор 1,8-2,3 мг/кг тупроқда) ортганлиги қайд этилган.

Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида нам тўпловчи суғоришни 1200 м<sup>3</sup>/га меъёрида ўтказиш, ўғитларни N<sub>150</sub>-P<sub>120</sub>-K<sub>50-30</sub> кг/га +10-20 т/га гўнг меъёрларида қўллаб кузги буғдой парваришланганда бошокдаги донлар сони, бир бошокдаги ва 1000 та дон вазни назоратга нисбатан тегишлича 11,0-10,8 донага 0,45-0,39 ва 10,6-11,4 г га, дон ҳосилдорлиги 21,8-24,0 ц/га ортиши, доннинг сифатли (оксил 15,3-15,6, клейковина 32,6-33,4%) бўлиши, ун ва нон саноати талабларига жавоб бериши, натижада мавжуд сув ва ўғит ресурсларининг 20-30% га тежалиши эвазига гектаридан олинадиган соф фойда 0,9-1,1 млн. сўмга ортганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотларида Республикамизда умумқабул қилинган услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқларда кузги юмшоқ буғдойнинг нам тўпловчи суғориш ва озиклантириш меъёрларини аниқлаш, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган натижаларга вариацион-статистик ишлов берилганлиги, натижаларнинг асосланганлиги ҳамда уларнинг республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги ва жорий этилганлиги, тажрибалар ҳар йили институт олимлари ва мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан мўл ва сифатли дон ҳосили етиштириш, тупроқнинг шўрланишини камайтириш билан бир қаторда унинг унумдорлигини сақловчи нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар ва гўнг меъёрларининг илмий-амалий жиҳатдан асосланиши, ўсимликшунослик фани соҳасидаги мавжуд илмий ва назарий манбаларни тўлдириб, ушбу шароитда кузги юмшоқ буғдойдан юқори, сифатли ва экологик тоза ҳосил етиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги юмшоқ буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғоришни 1200 м<sup>3</sup>/га, ўғитларни N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га +10 ёки N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га +20 т/га гўнг меъёрларида қўллашни жорий этилганлиги орқали 1м<sup>2</sup> да 437-467 дона ёки 94,6-93,5% туп сони олишни, гектаридан 55,2-60,5 ц сифатли (оксил-15,3-15,6%, клейковина-32,6-33,4%) дон ҳосили етиштиришни таъминлаган, фермер хўжалиқларида даромад 14-18 фоизга ортиб, гектаридан 0,9-1,1 млн. сўм соф фойда олиш имкониятлари яратилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Навоий вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар ва гўнг меъёрларини қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:



Навоий вилоятининг ғаллачиликка ихтисослашган фермер ва томорка хўжаликлари учун «Навоий вилояти ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишда нам тўпловчи суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитларни қўллаш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 02/021-163-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни амалиётга қўллаш натижасида Хатирчи туманидаги фермер хўжаликларида гектаридан 14,1-17,9 центнер кўшимча дон ҳосили олишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғоришни 1200 м<sup>3</sup>/га меъёрида ўтказиш, минерал ўғитларни гўнг билан биргаликда қўллаш технологияси 52 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 02/021-163-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқдаги зарарли тузлар-хлор миқдори 0,001-0,002%, қуруқ қолдиқ 0,034-0,037% га камайиб, нитратли азот миқдори 2,8-3,9 ва ҳаракатчан фосфор 1,8-2,3 мг/кг тупроқда ортиши таъминланган;

кузги буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғоришларни 1200 м<sup>3</sup>/га меъёрида белгилаш ва минерал ўғитларни N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га +10 т/га гўнг ёки N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га +20 т/га гўнг билан биргаликда қўллаш агротехнологияси Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги “Жахонгир Гадоийниёз”, “Тошботир бобо”, “Муҳаммад Саид” ва “Аминтўп” фермер хўжаликларида 2016-2017 йилларда жами 115 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 02/021-163-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 0,9-1,1 млн. сўмгача соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 49,4-52,7 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ Навоий вилояти бўлими ва СамҚХИнинг махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти «Дехқончилик маданияти ва мелиорация асослари», «Ўсимликшунослик», «Агрокимё ва тупроқшунослик» кафедраларининг қўшма йиғилишида эшитилиб, муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, хосилдорлиги ва дон сифатига тупроқларнинг шўрланиши, нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар, гўнгнинг таъсири бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, кузги буғдойни етиштиришда нам тўпловчи суғоришлар, ўғитлаш меъёрларининг муайян тупроқ-иқлим шароитига, хусусан, шўрланишга боғлиқлиги бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлими, тупроқларига оид маълумотлар баён қилинган.

Кузги буғдойни экиш ва дастлабки ривожланиш босқичлари даврида (сентябрь-ноябрь ойлари), тажриба ўтказиш йилларида ўртача ҳарорат +22,4; +9,0°C бўлиб, энг юқори ҳарорат +27,1; +10,8°C, минимал ҳарорат +7,8; +8,6°C га тенг бўлган. Ёғингарчиликлар миқдори 1,2-34,8 мм, ҳавонинг нисбий намлиги 47-67% ни ташкил этган. Тажрибалар ўтказилган йилларнинг қиш фасли (декабрь-февраль ойлари) давомида ҳаво ҳарорати +4,5; +0,2°C ни, минимал ҳарорат январь ойида -1,6; -6,9°C га тенг бўлган. Ушбу даврларда ўртача кўп йиллик ёғинлар миқдори 42,0-65,8 мм ва ҳавонинг нисбий намлиги 79-83%ни ташкил этган. Баҳор ойларида (март, апрель, май) ҳавонинг ўртача ҳарорати +11,1; +22,4°C, энг паст ҳарорат фақат айрим кунларда +8,3; +13,5°C бўлиб, юқори ҳарорат +15,1; +24,3°C гача кўтарилган. Ёғингарчилик миқдори ўртача 28,6-54,0 мм, айрим йилларда (2009) март ва апрель ойларида 96-122, (2015) февралда 101,8 мм бўлган. Ёз фасли ҳаво ҳароратининг юқори (+26,5; +30,4°C) ва нисбий намликнинг паст бўлиши (34-37%) кузатилади ҳамда ёғингарчиликларнинг жуда кам ёки умуман бўлмаслиги билан тавсифланади.

Тупроқларнинг ҳайдалма (0-30 см) қатламида гумус миқдори 1,26%, ялпи азот 0,13%, фосфор 0,21%, калий 2,41%, уларнинг ҳаракатчан шакллари тегишлича 14,6; 25,3; 235 мг/кг ни ташкил этиб, ҳажм массаси 1,32 г/см<sup>3</sup>, солиштирма массаси 2,74 г/см<sup>3</sup> ва ғоваклиги 51,8% га тенг. Тупроқларнинг шўрланиш типи хлорид-сульфатли бўлиб, тупроқнинг 0-100 см қатламидаги куруқ қолдиқ 0,105, хлор – 0,011 ва сульфат – 0,042%, сизот сувлари 3 метр чуқурликда жойлашган, гранулометриқ таркиби бўйича енгил ва ўртача кумоқлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Тажриба тузилмаси, услубияти ва кузги буғдой етиштириш агротехникаси”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган тажрибаларнинг тузилмаси, фенологик кузатув ва биометрик ўлчовлар, таҳлиллар келтирилган.

Дала тажрибалари 2005-2008, 2014-2016 йилларда ва ишлаб чиқариш тажрибалари эса 2008-2009, 2016-2017 йилларда Хатирчи тумани Қ.Рахматов номли фермер хўжалигининг кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқларида, кузги буғдойнинг «Купава» ва «Гром» навларида ўтказилган.

Тадқиқотлар 1 ва 2-жадвалдаги тажриба тузилмалари бўйича олиб борилган. Тажрибада ҳар бир пайкалчанинг майдони 360 м<sup>2</sup> (қатор узунлиги 64,3 м, эни 8 қатор х 0,7=5,6 м), шундан ҳисобга олингани 180 м<sup>2</sup>. Тажриба 4 кайтариқда бўлиб, барча вариантлар схематик равишда бир ярусда жойлаштирилган.

Тажриба даласига кузги буғдойнинг «Купава» ва «Гром» навларини уруғлари қатор ораси 70 см қилиб, СЗ-3,6 сеялкаларида 4-5 см чуқурликка 5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилган. Тадқиқотларда минерал ўғитлар ва гўнг қуйидагича қўлланилган: гўнг (10-20 т/га) ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёри шудгор остига, фосфорли ўғитларнинг 80% шудгор остига, қолган 20% уруғларни экиш билан бир вақтда, азотли ўғитларнинг йиллик меъёри тенг иккига бўлиниб, ўсимликнинг тупланиш ва найчалаш даврларида берилган. Ўсимликнинг амал даврида сувга бўлган талабига кўра 3-4 марта, ҳар бир суғоришда 600-700 м<sup>3</sup>/га меъёрида сув бериб суғорилган. Кузги буғдойнинг озика моддаларга бўлган талабини қондириш мақсадида минерал ўғитлардан: аммиакли селитра – NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub> (N – 34,6%), аммофос – NH<sub>4</sub>H<sub>2</sub>PO<sub>4</sub> (N – 11-12%, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> – 46%) ва 40% ли калий тузи ишлатилган. Тажрибада қўлланилган гўнг таркибида азот 0,45-0,50%, фосфор 0,20-0,22% ва калий 0,56-0,60% ни ташкил этган.

1-жадвал

Тажриба тузилмаси (2005-2008 йй)

Вариантлар	Нам тўпловчи суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	Озика элементлар, кг/га				Шудгор остига, кг/га			Экиш билан бирга P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	Тупланиш даврида N	Найчалаш даврида N
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	гўнг, т/га	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	гўнг, т/га			
1	Назорат	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
		200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
2	Гўнг	-	-	-	10	-	-	10	-	-	-
3	800	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		150	120	50	10	95	50	10	25	75	75
4	1000	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		150	120	50	10	95	50	10	25	75	75
5	1200	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		150	120	50	10	95	50	10	25	75	75
6	1400	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		150	120	50	10	95	50	10	25	75	75
7	1600	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		150	120	50	10	95	50	10	25	75	75
8	2000	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		150	120	50	10	95	50	10	25	75	75

Тажрибада қуйидаги кузатувлар ва биометрик ўлчовлар олиб борилган: 1) Уруғларнинг униб чиқиш динамикаси, %; ривожланиш даврлари (тупланиш, найчалаш, бошоқлаш, гуллаш) – 10 ва 75%; доннинг пишиш даврлари (сут, мум ва тўлиқ); 2) Ўсимликларнинг туп сони: қишлашгача, қишлаб чиққандан кейин ва ҳосилни йиғиштиришдан олдин 1 м<sup>2</sup> да, дона; 3) Пояларнинг ётиб қолиши, доннинг мум пишиш даврида – 5 балли шкалада; 4) Тупланиш даражасини аниқлаш: умумий ва маҳсулдор тупланиш, 1 м<sup>2</sup> да, дона; 5) Бошоқдаги бошоқчалар ва дон сони, дона; ўсимликнинг бўйи, см; бошоқ узунлиги, см; 1000 дона дон массаси, г; ГОСТ-10842-86; 6) Ҳосилни ҳисобга олиш: дон ва сомон чиқиши, ц/га (ҳосилдорлик – дондаги намлик стандарт – 14% ҳолатига келтирилиб); 7) Доннинг технологик сифат кўрсаткичлари: доннинг шишасимонлиги, ГОСТ-10887-86; клейковинаси - ГОСТ-13586-86 ва натураси - ГОСТ-9353-86 бўйича; 8) Кузги буғдойнинг барг сатҳи Н.Н.Третьяков (1990),

фотосинтетик потенциал ва фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги А.А.Ничипорович (1963) услублари асосида; ўсимлик таркибидаги умумий азот, фосфор ва калий жадаллашган усулда; дон таркибидаги оксил – Барнштейн усулида ҳамда «Методические рекомендации по оценке качества зерна» (1977) ва «Методы биохимических исследований растений» (1982) бўйича СамҚХИ ва Самарқанд шаҳар нон комбинати лабораторияларида аниқланган.

2-жадвал

Тажриба тузилмаси (2013-2016 йй)

Вариантлар	Нам тўпловчи суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	Озиқа элементлар, кг/га				Шудгор остига, кг/га			Ўқиш билан бирга	Тупланиш даврида	Найчалаш даврида
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	гўнг, т/га	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	гўнг, т/га			
1	назорат	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
		200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
2	гўнг	-	-	-	20	-	-	20	-	-	-
		100	100	30	-	70	30	-	30	50	50
3	800	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		100	100	30	20	70	30	20	30	50	50
4	1000	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		100	100	30	20	70	30	20	30	50	50
5	1200	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		100	100	30	20	70	30	20	30	50	50
6	1400	200	140	100	-	110	100	-	30	100	100
		100	100	30	20	70	30	20	30	50	50

Тупроқ таркибидаги гумус миқдори – И.В.Тюрин; умумий (NPK) битта намунада – И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко; нитратли азот – Гранвальд-Ляжу; ҳаракатчан фосфор – Б.П.Мачигин; алмашинувчан калий – П.В.Протасов услуги бўйича алангали фотометрда; хлор иони – Мор услубида; сульфат – тарозида тортиш; куруқ колдиқ – буғлатиш; тупроқ зичлиги – цилиндр; тупроқнинг солиштирма массаси – пикнометр усулларида – «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах» (1963) қўлланмаси асосида таҳлил қилинган.

Тажриба натижаларининг иқтисодий самарадорлиги вилоят ва туман учун қабул қилинган меъёрлар асосида, ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов (1985) бўйича дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар ва гўнг меъёрларининг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида уруғларнинг унувчанлиги, буғдойнинг қишга чидамлилиги, кўчат сони, ривожланиш фазаларининг давомийлиги, ўсимлик бўйи ва ётиб қолиши, ўсимликнинг тупланиши, фотосинтетик потенциал, куруқ модда, ҳосил элементларининг биометрик кўрсаткичлари, кузги буғдойнинг озиқ моддаларни ўзлаштиришига оид натижалар батафсил баён этилган.

Тажриба натижаларининг таҳлилларига қараганда, кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой ўстиришда қўлланилган нам тўпловчи суғориш меъёрлари экилган буғдой уруғларининг дала унувчанлигига маълум даражада таъсир қилганлиги аниқланган. Масалан, тажрибанинг назорат вариантыда кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги ўртача уч (2005-2008) йилда 77,6%, 2013-2016 йилларда эса 79,8% ни ташкил этганлиги аниқланган.

Кузги буғдой уруғларининг унувчанлигига кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида гектарига 10-20 т гўнг қўлланилганда самарали таъсир кўрсатиб, тадқиқот ўтказилган йиллар мобайнида (2005-2007 ва 2013-2015 йиллар) экилган уруғларнинг тегишлича 83,7-84,9 ва 84,8-85,9% униб чиқишини таъминланганлиги келтирилган.

Кузги буғдой ўстиришда қўлланилган нам тўпловчи суғориш меъёрлари 800 дан 1200 м<sup>3</sup>/га гача ҳисобида ишлатилган вариантларда уруғларнинг унувчанлиги ўртача 88,6-91,9 ва 88,1-92,4% ни, кўрсатиб ўтилган нам тўпловчи суғориш меъёрларида минерал ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 т/га гўнг ёки N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг билан қўшиб ишлатилган пайкалчаларда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 89,3-92,6 ва 89,0-93,5% ни ташкил этган.

Шундай қилиб, кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой уруғларини бир текис тўлиқ ундириб олиш учун гектарига N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг қўлланилиб, нам тўпловчи суғориш учун 1200 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганда нисбатан юқори (унувчанлик-93,5%) натижаларга эришилган бўлса, нам тўпловчи суғориш меъёрлари 1200 м<sup>3</sup>/га дан кам ёки кўп бўлганда, уруғларнинг дала унувчанлиги мос равишда 4,5 ва 4,7% га камайган.

Кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдой майсаларининг қишлаб чиқишига қўлланилган минерал ўғитлар ва уларни гўнг билан биргаликда қўллагандаги ижобий таъсири билан бир қаторда, тажрибада қўлланилган нам тўпловчи суғоришларнинг ҳар хил меъёрларининг самарадорлиги ҳам сезиларли кўрсаткичларда бўлганлиги кузатилган. Нам тўпловчи суғориш 1200 м<sup>3</sup>/га меъёрида ўтказилиб, минерал ўғитлар N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га ва N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг қўлланилганда, кузги буғдой майсаларининг қишлаб чиқиши энг юқори бўлиб, мутаносиб равишда 1м<sup>2</sup> да 438-449 дона ёки 95,5-96,4%, майсаларнинг сийракланиши 4,5-3,6 % ва амал даврининг охирида сақланиб қолган ўсимликлар 1 м<sup>2</sup> да 431-442 донани ёки 94,2-95,0% ни ташкил этган.

Тажрибада кузги буғдойнинг униб чиқиш - тулланиш даври қўлланилган нам тўпловчи суғориш меъёрларига ва экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўртача 2005-2006 йилларда 44-47 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар, 2006-2007 ва 2007-2008 йилларда тегишлича 46-48 ва 45-47 кунга тенг бўлган. 2013-2016 йиллардаги тажрибада уруғларни униб чиқиш-тулланиш даври ўртача 43-46 кунни ташкил этган. Тулланиш–найчалаш даври нам тўпловчи суғориш ва минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда (2005-2008 ва 2013-2016) йилларда назорат вариантда 164-166 ва 162-165 кунни, нам тўпловчи суғориш меъёри 800-1000 м<sup>3</sup>/га ва минерал ўғитлар (N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га ёки N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10; N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг) қўлланилган пайкалчаларда 166; 165-166 кунни ташкил этган. Кўрсатиб ўтилган минерал ўғитлар ва гўнг фонида нам тўпловчи суғориш меъёри 1200-2000 м<sup>3</sup> га ҳисобида қўлланилган пайкалчалардаги кузги буғдойни тулланиш–найчалаш давлари назоратдаги (ўғитсиз, нам тўпловчи суғориш ўтказилмаган) ўсимликларга нисбатан 3-5 ва 4-6 кунга узайган. Бошоқлаш-тўлиқ пишиш даври 37 кунни, гектарига фақат 10 ёки 20 т гўнг қўлланилганда 38-39 кунни ташкил этган бўлса, нам тўпловчи суғоришлар 800-1000 м<sup>3</sup>/га ва минерал ўғитлар N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га меъёрида қўлланилганда бу кўрсаткичлар 39-37 кунга тенг бўлган.

Нам тўпловчи суғориш 800-1000 м<sup>3</sup>/га ва минерал ўғитлар N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub>, N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10; N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг меъёрларида қўлланилган пайкалчалардаги кузги буғдойнинг амал даври 237-233 кунни, ушбу ўғитлар меъёрида нам тўпловчи суғоришлар 1200-2000 м<sup>3</sup>/га ҳисобида ўтказилган майдонларда 238-240 ва 235-238 кунни ташкил этиб, ўрганилган барча нам тўпловчи суғориш ва минерал ўғитлар меъёрларида кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойни амал даврини ўтиши учун энг қулай шароит, гектарига 1200 м<sup>3</sup> сув ҳамда N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 ёки N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг сарфланган пайкалчаларда қайд этилган ва ўсимликларнинг амал даври 238-235 кунни ташкил этган.

Тажриба даласидаги кузги буғдойнинг тупланиш-найчалош даврларида ўсимликлар поясининг баландлиги бўйича фарқлар кам бўлса, бошоқлаш, тўлик пишиш даврларига келиб, назорат ва нам тўпловчи суғоришлар ўтказилган ҳамда N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 ва N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг қўлланилган пайкалчалар ўртасидаги фарқ анча юқори бўлган.

Умуман, кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдойнинг пишиш даври нам тўпловчи суғориш учун сув сарфи 1200-2000 ва 1200-1400 м<sup>3</sup>/га ҳамда гектарига N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 ва N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг қўлланилган пайкалчалардаги ўсимликларнинг бўйи баланд (100,3-98,3 ва 101,4-99,2 см), қолганлари эса нисбатан паст (91,5-93,1; 94,6-94,3 см) эканлиги кузатилган (1-расм).


Кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг ётиб қолиш кўрсаткичига тажриба майдонида қўлланилган нам тўпловчи суғориш ва ўғит меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатган. Масалан, 2005-2008 ва 2013-2016 йиллардаги тажрибаларимизда нам тўпловчи суғориш 800-1000 м<sup>3</sup>/га ва ўғитлар N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га қўлланилган пайкалчаларда кузги буғдойнинг ётиб қолиши, унинг бошоқлаш ва мум пишиш даврларида бор-йўғи 4 баллни ташкил этган холос. Нам тўпловчи суғориш меъёрларининг ортиши билан (1200-2000 ва 1200-1400 м<sup>3</sup>/га) ва ўғитлар N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га қўлланилган пайкалчалардаги кузги буғдойнинг найчалош даврида ётиб қолиши фақатгина 7-8 вариантларда 4 баллни ташкил этган бўлса, унинг бошоқлаш ва мум пишиш даврларида 6, 7, 8 вариантларда мос равишда 4 ва 3 баллни ташкил этган. Бунинг сабаби, тупроқда намликни етарли бўлиши ҳамда юқори меъёрда (200 кг/га) азот қўлланганлигидан деб изоҳлаш мумкин.

Тажриба даласида нам тўпловчи суғоришлар гектарига 800-1000 м<sup>3</sup> ҳисобида ўтказилган, ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 т/га гўнг қўлланилган пайкалчалардаги кузги буғдойнинг умумий, маҳсулдор ва 1 м<sup>2</sup> даги поялари сони N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га дагига нисбатан 0,1; 0,1-0,2 ва 15-6 донага кўп бўлишини таъминлаган бўлса, кўрсатиб ўтилган минерал ўғитлар ва гўнг фонида нам тўпловчи суғоришлар 1200-2000 м<sup>3</sup>/га меъёрида ўтказилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 0,2-0,1 ; 0,2-0,1 ва 14-4 донага юқори бўлган.


Шундай қилиб, кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда нам тўпловчи суғоришларни 1200 м<sup>3</sup>/га ва ўғитларни N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 ва N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га меъёрида гўнг қўллаш ҳисобига ушбу шароитда кузги буғдойни «Купава» ва «Гром» навларининг умумий, маҳсулдор ва 1 м<sup>2</sup> даги поялар сонига самарали таъсир кўрсатиб, уларнинг

мутаносиб равишда энг юкори кўрсаткичларда (3,6-3,7; 2,2-2,4 ва 516-526 дона) бўлишини таъминлаб, кузги буғдой ҳосил элементларининг шаклланишига ҳамда дон ҳосилдорлигининг ишончли ортишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Кузги буғдойнинг «Купава» навида энг юкори барг индекси (5,40), фотосинтетик потенциали (4,12 млн м<sup>2</sup>-кун/га) ва фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги (7,03 г/м<sup>2</sup>\*кун) нам тўпловчи суғориш 1200 м<sup>3</sup>/га ва минерал ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 т/га гўнг қўлланилган майдонлардаги ўсимликларда кузатилган. Шу минерал ўғитлар ва гўнг фонидида нам тўпловчи суғориш меъёри – 1000 м<sup>3</sup>/га ёки кўп – 2000 м<sup>3</sup>/га сарфланганда ўсимликлар барг юзасининг сатҳи тегишлича 18,7 ва 11,7 %, фотосинтетик потенциали 0,77 ёки 0,80 млн м<sup>2</sup>-кун/га, фотосинтез соф маҳсулдорлигининг 9,8 ёки 9,7 % га камайганлиги аниқланган.



**1-расм. Кузги буғдойнинг тўлик пишиш давридаги бўйига нам тўпловчи суғориш ва ўғитлар меъёрларининг таъсири, ўртача 2006-2008 йй.**



**2-расм. Кузги буғдойда қуруқ модда тўпланишига нам тўпловчи суғориш ва ўғитлар меъёрларининг таъсири, 2006-2008 йй.**

Кузги буғдой қуруқ массаси ўртача уч йилда нам тўпловчи суғориш ўтказилмаган, лекин гектарига N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг қўлланилганда 32,5 г/туп, ушбу ўғитлар фонидида нам тўпловчи суғориш 800-1000 м<sup>3</sup>/га меъёрларида ўтказилганда қуруқ масса миқдори тегишлича 1,7-1,9 г/туп ёки 5,1-8,1 % га, юқоридаги нам тўпловчи суғориш меъёрларида минерал ўғитлар миқдори 10 т гўнг таркибидаги озика элементларга эквивалент ҳолида камайтириб, N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 т/га гўнг билан биргаликда қўлланганда эса мутаносиб равишда 2,1-2,8 г/туп ва 9,0-12,0% кўп бўлишини таъминлаган (2-расм).

Умуман, энг юкори миқдордаги қуруқ масса ўртача уч йилда 38,2 г/туп нам тўпловчи суғориш меъёри 1200 м<sup>3</sup>/га, ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 т/га гўнг қўлланилган майдонлардаги кузги буғдойда аниқланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар нам тўпловчи суғоришлар ўтказилмаган – ўғитсиз ва N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг қўлланилган назорат вариантыда 23,3 ва 32,5 г/туп га тенг бўлган.

Кузги буғдой ўстиришда қўлланилган минерал ўғитлар (N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га ва N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10 ва N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг) фонидида нам тўпловчи суғориш меъёрларини ортиб бориши билан ўсимликлардаги ҳосил элементларининг кўрсаткичлари ҳам яхшиланиб бориши кузатилган. Масалан, ушбу ўғитлар меъёрларида нам тўпловчи суғоришлар 1600-2000 м<sup>3</sup>/га ҳисобида ўтказилган пайкалчалардаги ўсимликларнинг бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони ҳамда бир бошоқдаги ва 1000 та дон массаси, нам тўпловчи суғориш 1000

м<sup>3</sup>/га меъёрида ўтказилган майдончалардаги ўсимликларникига нисбатан мос равишда 0,4-0,5 см, 0,3-0,4 ва 1,7-1,6 донага ҳамда 0,08-0,06 ва 3,0-2,4 г юқори бўлишини таъминлаган.

Кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида нам тўпловчи суғориш 1200 м<sup>3</sup>/га, минерал ўғитлар N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га ҳамда N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10, N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг қўлланилган пайкалчалардаги кузги буғдой ҳосил элементларининг кўрсаткичлари, ушбу ўғитлар меъёрларида нам тўпловчи суғоришлар 1200 м<sup>3</sup>/га дан кам (800-1000 м<sup>3</sup>/га) ёки кўп (1400 м<sup>3</sup>/га) ўтказилган пайкалчалардаги ўсимликларникига қараганда (бошоқ узунлиги 9,9-10,1 см, бошоқдаги бошоқчалар 20,8-21,2 ва ундаги донлар 53,6-54,3 дона, бир бошоқдаги 1,86-1,71 ва 1000 та дон массаси 44,2-45,7 г) энг юқори бўлганлиги ҳисобга олинган.

**Дон ҳосилдорлиги.** Тажрибада нам тўпловчи суғориш 800-1000 м<sup>3</sup>/га, минерал ўғитлар (N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га ҳамда N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га+10, N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га+20 т/га гўнг) меъёрида қўлланилган пайкалчалардаги дон ҳосили назорат вариантдагига нисбатан мос равишда 24,0-24,9; 24,9-27,5 ва 25,7-28,1; 28,1-31,3 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган. Нам тўпловчи суғориш меъёрини кўрсатиб ўтилган минерал ўғитлар фониди ошириб қўллаш, дон ҳосилига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг янада юқори бўлишини таъминлаган (3-4-жадвал).

3-жадвал

Кузги буғдой дон ҳосилига нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар меъёрлари ва гўнгнинг таъсири, ц/га

Вар. №	Нам тўпловчи суғориш меъёрлари, м <sup>3</sup> /га	Озиқа элементлари меъёри, кг/га				Ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача ҳосил, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га	
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	гўнг, т/га	2006 й	2007 й	2008 й		Абсолют назоратга нисбатан	Нам тўпловчи суғоришга нисбатан
1	Назорат	-	-	-	-	24,3	23,2	20,5	22,6	-	-
		200	140	100	-	35,1	33,0	32,2	33,4	10,8	-
2	Гўнг	-	-	-	10	25,8	28,9	26,7	27,1	4,5	-
3	800	200	140	100	-	44,5	48,0	47,3	46,6	24,0	13,2
		150	120	50	10	45,6	49,7	47,2	47,5	24,9	14,1
4	1000	200	140	100	-	46,4	49,8	48,7	48,3	25,7	14,9
		150	120	50	10	48,7	52,9	50,5	50,7	28,1	17,3
5	1200	200	140	100	-	50,7	54,5	53,2	52,8	30,2	19,4
		150	120	50	10	53,5	57,3	54,8	55,2	32,6	21,8
6	1400	200	140	100	-	47,4	51,9	49,2	49,5	26,9	16,1
		150	120	50	10	49,6	53,5	50,8	51,3	28,7	17,9
7	1600	200	140	100	-	49,8	53,5	50,9	51,4	28,8	18,0
		150	120	50	10	51,6	54,2	51,6	52,7	30,1	19,3
8	2000	200	140	100	-	50,5	54,1	51,4	52,0	29,4	18,6
		150	120	50	10	51,3	54,2	52,0	52,5	29,9	19,1

**2006 йил:** нам тўпловчи суғориш меъёри учун (СМ)  $Sd=\sqrt{2S^2/nLB}=\sqrt{2*1,68/12}=0,529$ ц; ЭКФ<sub>05</sub>=1,06 ц ўғит меъёри (ЎМ) ҳамда СМ ва ЎМ учун  $Sd=\sqrt{2S^2/nLA}=\sqrt{2*1,68/28}=0,346$ ц; ЭКФ<sub>05</sub>=0,69 ва 1,82 ц

**2007 йил:** нам тўпловчи суғориш меъёри учун (СМ)  $Sd=\sqrt{2S^2/nLB}=\sqrt{2*1,96/12}=0,57$ ц; ЭКФ<sub>05</sub>=1,15 ц ўғит меъёри (ЎМ) ҳамда СМ ва ЎМ учун  $Sd=\sqrt{2S^2/nLA}=\sqrt{2*1,96/28}=0,37$ ц; ЭКФ<sub>05</sub>=0,74 ва 1,99 ц

**2008 йил:** нам тўпловчи суғориш меъёри учун (СМ)  $Sd=\sqrt{2S^2/nLB}=\sqrt{2*1,92/12}=0,56$ ц; ЭКФ<sub>05</sub>=1,12 ц ўғит меъёри (ЎМ) ҳамда СМ ва ЎМ учун  $Sd=\sqrt{2S^2/nLA}=\sqrt{2*1,92/28}=0,37$ ц; ЭКФ<sub>05</sub>=0,74 ва 1,97 ц

Кучсиз шўрланган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида етиштирилдиган кузги буғдойдан ўртача 52,7-60,5 ц/га дон ҳосили етиштиришда нам тўпловчи суғоришни 1200 м<sup>3</sup>/га, минерал ўғитларни N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>50</sub> кг/га; N<sub>100</sub>P<sub>100</sub>K<sub>30</sub> кг/га ни 10 ёки 20 т/га гўнг билан биргаликда қўллаш, энг самарали агротехник тадбир эканлиги аниқланган. Кўрсатиб ўтилган шароитда нам тўпловчи суғориш



меъёрини 1200 м<sup>3</sup>/га дан камайтириш (800-1000 м<sup>3</sup>/га) ёки ошириш (1400 м<sup>3</sup>/га) дон ҳосилининг тегишлича (7,7-4,5; 8,7-4,9 ц/га) ёки (3,9-2,7; 3,7 ц/га) камайишига олиб келиши ҳисобга олинган.

#### 4-жадвал

#### Кузги буғдой дон ҳосилига нам тўпловчи суғориш, минерал ўғитлар меъёрлари ва гўнгни таъсири, ц/га

Вар. №	Нам тўпловчи суғориш меъёрлари, м <sup>3</sup> /га	Озиқлантириш меъёри, кг/га				Ҳосилдорлик			Ўртача ҳосил, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га	
